

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил иккинчи ярмига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар	Муддати	Масъуллар
1. Умумий масалалар			
1.1	Олий суд, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Фарғона ва Самарқанд вилоятларида фаолият юритаётган журналист ва блогерлар учун “Оммавий ахборот воситаларида суд органлари фаолиятини масъулиятли ёритишда журналист ва блогерларнинг касбий маҳоратини ошириш” мавзусидаги тренинг ўтказиш	июль-август	О. Исмаилов Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази
1.2	Олий суд ахборот тизимларини такомиллаштириш бўйича қуйи судлардан келиб тушган таклифларни умумлаштириш ва шу асосда тизимда судларнинг иш юритувини соддалаштириш нуқтаи-назардан зарурий чораларни амалга ошириш	июль-декабрь	И. Муслимов АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси Ташкилий-назорат бошқармаси
1.3	Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорликда суд ҳужжатлари ижросини янада такомиллаштириш бўйича янги тизим асосида амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ҳамда йил якунига қадар режаларни белгиланган вазифаларнинг ижросини сифатли таъминлаш	июль-декабрь	И. Муслимов Ишчи гуруҳи аъзолари
1.4	Суд биноларининг фойдаланиш майдони, ҳовлиси ва боғ майдони тўғрисида маълумотларни янгидан шакллантириш, қўшимча хизмат кўрсатувчи штат бирликлари сонини аниқлаш ва ходимлар ажратиш чораларини кўриш	август	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти

1.5	Кадрлар захирасини шакллантириш, номзодларни ишга қабул қилиш ҳамда меҳнат муносабатларини амалга ошириш юзасидан семинар машғулотлари ўтказиш	сентябрь	Аппарат раҳбари Кадрлар бошқармаси
1.6	Судлар томонидан ундириш белгиланган суд харажатлари ҳақидаги маълумотларнинг “Адолат” ахборот тизимлар комплексига тўғри киритилиши ҳаққонийлигини ўрганиш ва натижаси бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш	сентябрь	Ш.Полванов Судлов ҳайъатлари Ташкилий-назорат бошқармаси
1.7	Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асосларини белгилаш мақсадида “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш	октябрь	Ш.Полванов Қонунчилик департаменти Судьялар олий малака ҳайъати судлов ҳайъатлари
1.8	Олий суд раисининг 2025 йил 17 апрелдаги 6-сонли Фармойиши асосида Ишчи гуруҳи томонидан судлар фаолиятида ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўришда юзага келаётган масалаларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни ўрганиб, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва тегишли тартибда киритиш	октябрь	И.Муслимов Ишчи гуруҳи аъзолари Қонунчилик департаменти Ташкилий-назорат бошқармаси
1.9	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамкорлигида “Вояга етмаган болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар, шунингдек тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилинишида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг роли” мавзусида конференция ўтказиш	октябрь	О.Исмаилов ФИБ судлов ҳайъати Ташкилий-назорат бошқармаси
1.10	Судьялар мустақиллигини таъминлашда судьялар мақомининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш	декабрь	Ш.Полванов Қонунчилик департаменти

1.11	Судларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат ташкилотлари ахборот тизимларининг маълумотлар алмашинуvidан тўғри фойдаланиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга ошириш ҳамда қуйи судлар фаолиятини ахборот хавфсизлиги сиёсатига мувофиқлиги бўйича назорат олиб бориш	декабрь	Ш.Полванов АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.12	“Ўзбекистон–2030” стратегиясини 2025 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастурида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш	Дастурда белгиланган муддатларда	Қонунчилик департаменти судлов ҳайъатлари
1.13	Суд объектларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижалари ва ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ҳамда мақсадли ўзлаштирилишини объектларга чиқиб ўрганиш, натижаси бўйича Олий суд раисига ахборот киритиш	ҳар чорак якуни бўйича	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.14	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, судлов ҳайъатлари ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлари ўтказиш	алоҳида режа асосида	Раис ўринбосарлари Судлов ҳайъатлари
2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар			
2.1	2025 йилнинг сентябр ойида Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) бўлиб ўтиши режалаштирилган Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг XIII халқаро юридик форумида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг иштирокини таъминлаш	сентябрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.2	Германиялик экспертлар иштирокида иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги долзарб мавзулар бўйича ўзаро келишувга асосан тадбирлар ташкил этиш	июль-декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.3	Ўзаро тажриба алмашиш, судьялар билими ва малакасини ошириш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Висмар Шарк институти (Германия) билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш	июль-декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим

2.4	Япониялик экспертлар иштирокида судьялар учун маъмурий суд ишларини юритишнинг муҳим масалаларига бағишланган тадбирлар ташкил этиш	июль-декабрь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар			
3.1	Судлов ҳайъатларида ишларни тафтиш инстанциясида кўрилиши бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва Раёсат муҳокамасига киритиш	ҳар чорак якуни бўйича	Раис ўринбосарлари Судлов ҳайъатлари Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.2	Давлат ижрочисининг кредит шартномалари бўйича қарздорлик ундирувини гаровдаги мулкка қаратиш борасидаги хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларнинг кўрилиши юзасидан ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	август	Ш.Полванов МИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.3	Гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ фуқаролик ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	август	О.Исмаилов ФИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.4	Иқтисодий судлар томонидан кўрилган ипотека (гаров) шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	август	Ш.Полванов ИИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.5	Маъмурий судлар томонидан 2024 йилда солиқ низоларини кўриш амалиётини уамлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	сентябрь	Ш.Полванов МИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.6	Судлар томонидан 2022-2024 йиллар ҳамда 2025 йилнинг 1-ярмида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг қўлланилиши билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	сентябрь	И.Муслимов ЖИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими

3.7	“Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг медиацияга доир нормаларини қўллаш юзасидан 2024 йил ва 2025 йилнинг биринчи ярмида кўрилган иқтисодий ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	сентябрь	Ш.Полванов ИИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.8	Маъмурий судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари томонидан ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўриш амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	октябрь	Ш.Полванов МИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.9	Наманган вилояти судларининг 2024 йил ва 2025 йилнинг ўтган давридаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	октябрь	Ш.Полванов Ишчи гуруҳи аъзолари
3.10	2025 йилнинг биринчи ярмида судлар томонидан суғурта билан боғлиқ кўрилган фуқаролик ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	ноябрь	О.Исмаилов ФИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.11	2024 йил ҳамда 2025 йил биринчи ярмида маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни тафтиш инстанциясида кўрилиши амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	ноябрь	И.Муслимов ЖИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.12	2022 – 2024 йилларда МДХ иштирокчи - давлатлар судларининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни кўриш амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	декабрь	Ш.Полванов ИИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими

3.13	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларнинг 2025 йилдаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти яқунларини ҳамда келгусидаги вазифалари ҳақидаги қарор лойиҳасини Раёсат муҳокамасига киритиш	декабрь	Раис ўринбосарлари Аппарат раҳбари Ташкилий-назорат бошқармаси
3.14	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил иккинчи ярим йиллик иш режаси ижроси ва 2026 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси лойиҳасини Раёсат муҳокамасига киритиш	декабрь	И.Муслимов Аппарат раҳбари Ташкилий-назорат бошқармаси
4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар			
4.1	“Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	ноябрь	О.Исмаилов, ФИБ, ИИБ судлов хайъатлари Пленум ва раёсат котибияти бўлими
4.2	Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини химоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги 5-сонли қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	ноябрь	О.Исмаилов, ФИБ судлов хайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
4.3	“Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда судларнинг ролини ошириш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	ноябрь	Ш.Полванов ИИБ, МИБ судлов хайъатлари Пленум ва Раёсат котибияти бўлими

4.4	Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 январдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарори лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	ноябрь	И.Муслимов ЖИБ судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
-----	--	--------	--